

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ХУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА
ГАЗДАН ФЙДАЛАНИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ
АГЕНТЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

30 Рухсатномалар, тарқатиш ведомостлари ва лимит китобчалари бўйича автотранспорт воситаларига ёнилғи қуйиш учун нефть маҳсулотлари, суюлтирилган ва сиқилган табиий газни бериш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2072*

(2010 йил 2 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги 542-сонли «Нефть маҳсулотлари, суюлтирилган ва сиқилган газ сотиш тизимини тартибга солиш, улардан фойдаланиш ва автотранспорт воситаларининг ишлатилиши устидан назоратни кучайтириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги **қарор қилади:**

1. Рухсатномалар, тарқатиш ведомостлари ва лимит китобчалари бўйича автотранспорт воситаларига ёнилғи қуйиш учун нефть маҳсулотлари, суюлтирилган ва сиқилган табиий газни бериш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. «Ўзнефтьмаҳсулот» акциядорлик компанияси томонидан 1999 йил 21 январда 17-1-8/193-сон, «Ўзавтотранс» корпорацияси томонидан 1999 йил 26 январда 01/8-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан 1999 йил 21 январда 41-1-15-сон билан тасдиқланган «Тарқатиш ведомостлари ва лимит дафтарчалари бўйича автотранспорт воситаларига ёнилғи қуйиш учун нефть маҳсулотлари, суюлтирилган ва табиий газни бериш тартиби» (рўйхат рақами 613, 1999 йил 30 январь) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга кириди.

**«Ўздавнефтгазинспекция»
бошлиғи**

Ш. МАҲМУДОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 25 декабрь,
01/07-1220-сон

**Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирининг биринчи ўринбосари**

М. ЭСАНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 25 декабрь,
7/2-сон

**Ўзбекистон автомобиль ва дарё
транспорти агентлиги бошлиғи**

А. АБДУВАЛИЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 25 декабрь,
1/141-сон

«Ўздавнефтгазинспекция», Ўзбекистон
Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги, Ўзбекистон автомобиль ва дарё
транспорти агентлигининг 2009 йил
25 декабрдаги 01/07-1220, 7/2,
1/141-сон қарорига
ИЛОВА

**Рухсатномалар, тарқатиш ведомостлари ва лимит
китобчалари бўйича автотранспорт воситаларига ёнилғи
қуйиш учун нефть маҳсулотлари, суюлтирилган ва
сиқилган табиий газни бериш
ҚОИДАЛАРИ**

Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги 542-сонли «Нефть маҳсулотлари, суюлтирилган ва сиқилган газ сотиш тизимини тартибга солиш, улардан фойдаланиш ва автотранспорт воситаларининг ишлатилиши устидан назоратни кучайтириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ рухсатномалар, тарқатиш ведомостлари ва лимит китобчалари бўйича ёнилғи қуйиш шохобчалари, газ тўлдириш шохобчалари ва компрессор станциялари (бундан кейинги ўринларда ёнилғи

қуйиш шохобчаси деб юритилади) хизматидан фойдаланувчи ташкилотларга нефть маҳсулотлари, суюлтирилган ва сиқилган табиий газни бериш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
истеъмолчи — нефть маҳсулотлари ва газдан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланувчи юридик шахслар;

лимит китобчаси — истеъмолчи томонидан олинадиган нефть маҳсулотлари ва газ микдорлари меъёрини акс эттирувчи китоб;

маҳсулот етказиб берувчи — нефть маҳсулотлари, суюлтирилган ва сиқилган табиий газ (бундан кейинги ўринларда нефть маҳсулотлари ва газ деб юритилади) сотишни амалга оширувчи юридик шахслар;

реестр — нефть маҳсулотлари ва газни олиш учун расмийлаштирилган тарқатиш ведомостларини рўйхатга олиш ҳужжати;

рухсатнома — ёнилғи қуйиш шохобчаси томонидан истеъмолчига нефть маҳсулотлари ва газ берилишига асос бўладиган ҳужжат.

тарқатиш ведомости — маҳсулот етказиб берувчи ва истеъмолчи ўртасида нефть маҳсулотлари ва газни олиш учун расмийлаштириладиган ҳужжат.

II. Рухсатнома бланкалари, тарқатиш ведомостлари ва лимит китобчаларини тайёрлаш ва сақлаш

2. Рухсатнома бланкалари, тарқатиш ведомостлари ва лимит китобчалари маҳсулот етказиб берувчилар томонидан типография усулида тартиб рақамлари кўрсатилган ҳолда тайёрланади. Бланкалар мазкур Қоидаларнинг 1, 2, 3 ва 4-иловаларига мувофиқ шакл бўйича тайёрланади.

3. Маҳсулот етказиб берувчининг ҳудудий ташкилоти омборларига келиб тушган бланкаларни қабул қилиш улар келиб тушган пайтдан бошлаб бир иш куни давомида ташкилот раҳбари чиқарган буйруқ билан тайинланган доимий ишчи комиссия томонидан амалга оширилади. Комиссия пакетни очишдан олдин ўрамнинг бутлигини, йўлловчи ҳужжатларини ва юк хатининг мавжудлигини текширади. Бланкалар қабул қилинганлиги тўғрисида икки нусхада далолатнома тузилади, шундан далолатноманинг биринчи нусхаси юк хати билан бирга бухгалтерияга топширилади ва қатъий ҳисобда турувчи бланкалар сифатида кирим қилиш учун асос ҳисобланади. Далолатноманинг иккинчи нусхаси бланкаларни сақлаш учун қабул қилган жавобгар шахсда сақланади.

III. Нефть маҳсулотларини олиш учун рухсатномаларни расмийлаштириш

4. Нефть маҳсулотларини бериш маҳсулот етказиб берувчи ва истеъмолчи ўртасида тузилган шартномага асосан амалга оширилади. Мазкур

шартномада лимит бўйича ажратилган нефть маҳсулотларининг миқдори, шу жумладан, тарқатиш ведомостлари ва хизмат сафарига юборилган автотранспорт воситаларига лимит китобчалари орқали бериладиган миқдорлар кўрсатилади. Шартномага асосан маҳсулот етказиб берувчи истеъмолчига нефть маҳсулотлари учун амалдаги нархларидан келиб чиққан ҳолда, олдиндан пул ўтказиш учун ҳисоб рақамини тақдим қилади.

5. Истеъмолчи амалга оширилган тўловлар бўйича маҳсулот етказиб берувчига тўлов ҳужжатларининг нусхалари ва нефть маҳсулотини олиш учун ишончномани тақдим қилади. Ишончномада маҳсулот етказиб берувчининг бухгалтерияси ва маркетинг бўлими томонидан истеъмолчидан келиб тушган пул маблағлари ва лимитлар мавжудлиги тўғрисида маълумотлар қайд қилинади ва шу асосида нефть маҳсулотларини бериш учун уч нусхада рухсатномалар расмийлаштирилади, шундан рухсатноманинг:

биринчи нусхаси маҳсулот етказиб берувчида қолади;

иккинчи нусхаси истеъмолчига тақдим этилади;

учинчи нусхаси ёнилғи қуйиш шохобчасига тақдим қилинади.

6. Нефть маҳсулотларини бериш рухсатномаси маҳсулот етказиб берувчининг раҳбари ёки унга ваколатли шахс томонидан имзоланади, шунингдек, маҳсулот етказиб берувчининг раҳбари томонидан тасдиқланадиган рўйхатга биноан бухгалтерия ва маркетинг бўлими ходимлари томонидан муҳрланади ва мазкур Қоидаларнинг 5-иловасига мувофиқ шаклдаги рухсатномалар бериш реестрига киритилади ҳамда истеъмолчига ва ёнилғи қуйиш шохобчасига тақдим қилинади.

7. Истеъмолчининг лимит карточкасида рухсатномаларни расмийлаштиришда (мазкур Қоидаларнинг 6-иловаси) нефть маҳсулотининг миқдори шу турдаги нефть маҳсулотининг ўтган ой давомидаги ўртача зичлигидан келиб чиққан ҳолда ҳажм (литр) ва масса (тонна) оғирлик ўлчов бирликларида кўрсатилади.

IV. Газни олишга рухсатномаларни расмийлаштириш

8. Рухсатномани расмийлаштириш учун истеъмолчи олиши лозим бўлган газ учун тўловни амалга ошириши лозим. Тўлов истеъмолчи ва маҳсулот етказиб берувчи томонидан тузилган шартномага асосан амалга оширилади.

9. Истеъмолчи тўловларни амалга оширганидан кейин маҳсулот етказиб берувчига тўлов ҳужжатларининг нусхалари ҳамда газ олиш учун ишончномани тақдим қилади. Маҳсулот етказиб берувчи унинг банкдаги ҳисоб varaғига пул маблағлари келиб тушганлигини текшириб, ишончномада маҳсулот етказиб берувчининг бухгалтерияси ва маркетинг бўлими томонидан пул маблағлари ҳамда лимитлари мавжудлиги тўғрисида маълумотлар қайд қилинади ва шу асосида газ бериш учун уч нусхада рухсатнома расмийлаштирилади.

10. Газ бериш рухсатномаси маҳсулот етказиб берувчининг раҳбари ёки унга ваколатли шахс томонидан имзоланади, маҳсулот етказиб берувчининг раҳбари томонидан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ бухгалтерия ва мар-

кетинг бўлими ходимлари томонидан мухрланади, шундан сўнг мазкур Қоидаларнинг 7-иловасига мувофиқ шаклдаги рухсатномалар бериш реестрида расмийлаштирилади.

Рухсатноманинг биринчи нусхаси маҳсулот етказиб берувчида, иккинчи нусхаси эса истеъмолчида қолади, учинчи нусхаси маҳсулот етказиб берувчининг ёнилғи қуйиш шохобчасига тақдим қилинади.

V. Тарқатиш ведомостлари бўйича ёнилғи қуйиш шохобчасида нефть маҳсулотларини бериш

11. Ёнилғи қуйиш шохобчасидан нефть маҳсулотларини тарқатиш маҳсулот етказиб берувчининг бухгалтерияси томонидан берилган рухсатнома асосида амалга оширилади.

12. Истеъмолчининг мухри билан тасдиқланган ҳайдовчининг йўл варақаси автотранспорт воситасига ёнилғи қуйиш учун асос ҳисобланади ва йўл варақасининг «ёнилғи берилсин» сатрида берилиши лозим бўлган нефть маҳсулотининг миқдори сўз билан ёзиб кўрсатилади.

13. Ёнилғи қуйиш шохобчасида йўл варақасининг «берилди» сатрида амалда берилган нефть маҳсулотининг миқдори ва тури кўрсатилади, шунингдек ёнилғи қуйиш шохобчаси ва навбатчининг рақами кўрсатилган муҳр босилади.

14. Нефть маҳсулотлари берилганда ёнилғи қуйиш шохобчасида тарқатиш ведомости ҳар бир истеъмолчи бўйича алоҳида икки нусхада тузилади, улардан бири маҳсулот етказиб берувчининг бухгалтериясига топширилади, иккинчиси эса ёнилғи қуйиш шохобчасида қолади. Тарқатиш ведомости ёнилғи қуйиш шохобчасида ҳар бир навбатчилик бўйича юритилади. Навбатчилик тугаши билан оператор берилган нефть маҳсулотларининг миқдор ва пул билан ифодаланган жамини ҳисоблаб, имзолайди ва тарқатиш ведомостини штамп билан муҳрлайди.

Ёнилғи қуйиш шохобчасининг бошлиғи (катта оператори) ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини текширганидан кейин ва истеъмолчининг лимити ва пул маблағлари, нефть маҳсулотларининг қолдиғи мавжуд бўлганда, уларни кейинги навбатчилик кунига ўтказилади. Истеъмолчи пул маблағларининг тугаши ёки ҳисобот ойининг тугаши билан маҳсулот етказиб берувчидан тарқатиш ведомости нусхасини солиштириш учун олади.

15. Нефть маҳсулотлари берилганда ёнилғи қуйиш шохобчаси оператори томонидан автотранспорт воситаси ҳайдовчисига берилган нефть маҳсулотлари миқдори суммасига назорат касса машинасининг чеки берилади.

16. Ёнилғи ёки портлаш хавфи бўлган моддалар билан юкланган автотранспорт воситаларига ёнилғи қуйиш металл канистрлар орқали ёнилғи қуйиш шохобчаси ҳудудидан 25 метрдан кам бўлмаган масофада амалга оширилади.

17. Ёнилғи қуйиш шохобчалари фаолияти техник ёки бошқа сабабларга кўра тўхтатиб қўйилган тақдирда, автотранспорт воситаларига ёнилғи қу-

йиш ушбу шохобчанинг худудида кўчиб юривчи шохобчалар томонидан амалга оширилади.

VI. Ёнилғи қуйиш шохобчаларида тарқатиш ведомостлари бўйича газ бериш

18. Ёнилғи қуйиш шохобчасида газ бериш маҳсулот етказиб берувчининг бухгалтерияси томонидан берилган рухсатнома асосида амалга оширилади.

19. Истеъмолчининг муҳри билан тасдиқланган ҳайдовчининг йўл варақаси автотранспорт воситасига ёнилғи қуйиш учун асос ҳисобланади ва йўл варақасининг «ёнилғи берилсин» сатрида газ миқдори сўз билан ёзиб кўрсатилади.

20. Ёнилғи қуйиш шохобчасида йўл варақасининг «берилди» сатрида амалда берилган газ миқдори кўрсатилади, шунингдек ёнилғи қуйиш шохобчаси ва навбатчининг рақами қайд этилган муҳр босилади.

21. Газнинг берилишида ёнилғи қуйиш шохобчасида тарқатиш ведомости ҳар бир истеъмолчи бўйича алоҳида икки нусхада тузилади, улардан бири маҳсулот етказиб берувчининг бухгалтериясига топширилади, иккинчиси ёнилғи қуйиш шохобчасида қолади. Тарқатиш ведомости ёнилғи қуйиш шохобчасида ҳар бир навбатчилик бўйича юритилади. Навбатчилик тугаши билан оператор берилган газнинг миқдор ва пул билан ифодаланган жамини ҳисоблаб, имзолайди ва тарқатиш ведомостини штамп билан муҳрлайди.

Ёнилғи қуйиш шохобчасининг бошлиғи (катта оператори) ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини текширганидан кейин ва истеъмолчининг лимити ва пул маблағлари, газ қолдиғи мавжуд бўлганда, уларни кейинги навбатчилик кунига ўтказилади. Истеъмолчи пул маблағларининг тугаши ёки ҳисобот ойининг тугаши билан маҳсулот етказиб берувчидан тарқатиш ведомости нусхасини солиштириш учун олади.

22. Газ берилганда ёнилғи қуйиш шохобчасида оператор томонидан автотранспорт воситаси ҳайдовчисига берилган газ миқдори суммасига назорат касса машинасининг чеки берилади.

23. Газни бериш бўйича тарқатиш ведомостлари мазкур Қоидаларнинг 8-иловасига мувофиқ шаклдаги Тарқатиш ведомостларини рўйхатга олиш китобида рўйхатга олинади.

24. Берилган газнинг миқдор ва пул билан ифодаланган ҳисоби тарқатиш ведомостларига мувофиқ навбатчилик тугаши билан ёнилғи қуйиш шохобчаси бошлиғи (катта оператори) томонидан амалга оширилади.

25. Ёнилғи қуйиш шохобчасида автотранспорт воситаларига ёнилғи қуйишга берилган газнинг тезкор ҳисоби мазкур Қоидаларнинг 9-иловасига мувофиқ шаклдаги Навбатчилик давомида берилган газ ҳисобини юритиш китобида юритилади, унда ҳар бир навбатчилик давомида берилган газнинг ҳажми кўрсатилади.

26. Ёнилғи қуйиш шохобчалари фаолияти техник ёки бошқа сабабларга кўра тўхтатиб қўйилган тақдирда, автотранспорт воситаларига ёнилғи қу-

йиш рухсатнома маҳсулот етказиб берувчи бухгалтерияси томонидан бошқа ёнилғи қуйиш шохобчасига қайта расмийлаштирилгандан кейин амалга оширилади.

VII. Хизмат сафаридаги автотранспорт воситаларига ёнилғи қуйиш

27. Истеъмолчи буюртмаси ва шартномага асосан маҳсулот етказиб берувчи истеъмолчини хизмат сафаридаги автотранспорт воситаларига нефть маҳсулотлари ва газ олиш учун лимит китобчаси билан таъминлайди.

28. Хизмат сафаридаги автотранспорт воситаларига нефть маҳсулотлари ва газнинг берилиши корпоратив банк пластик карталари асосида амалга оширилиши мумкин.

Корпоратив банк пластик карталари асосида берилган нефть маҳсулотлари ва газ учун ҳисоб-китобини амалга ошириш тартиби «Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғриси»даги низомга (рўйхат рақами 1470-сон, 2005 йил 18 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 15-16-сон, 121-модда) мувофиқ амалга оширилади.

29. Шаҳарлараро қатновни амалга оширувчи истеъмолчига хизмат сафаридаги автотранспорт воситалари (маршрут автобуслари бундан мустасно) учун нефть маҳсулотлари ва газ олиш учун нақд пул маблағларини бериш истеъмолчининг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб варағига хизмат кўрсатувчи банк томонидан истеъмолчининг буюртма ва тақдим этиладиган бир хизмат сафарига кетадиган нефть маҳсулоти ва газга бўлган эҳтиёжи, уларнинг сарф меъёрини ҳисобга олган ҳолда ҳисоб-китоби, маҳсулот етказиб берувчи ва истеъмолчи ўртасидаги шартнома нусхаси, шунингдек хизмат сафарига чиқиш тўғрисидаги буйруқ нусхаси бўйича амалга оширилади. Хизмат сафаридаги автотранспорт воситалари учун зарур бўлган пул маблағларининг ҳисоб-китоб тартиби мазкур Қоидаларнинг 10-илоvasида келтирилган.

30. Истеъмолчи ҳисобдорлик асосида хизмат сафарини амалга оширувчи автотранспорт воситаси ҳайдовчиларига лимит китобчалари ҳамда нефть маҳсулоти ва газ олиш учун нақд пул кўринишида бўнак беради.

31. Хизмат сафаридаги автотранспорт воситалари учун нефть маҳсулоти ва газни нақд пулда берилиши фақат тарқатиш ведомости бўйича нефть маҳсулоти ёки газни сотадиган ёнилғи қуйиш шохобчаларида ҳайдовчи томонидан хизмат сафари гувоҳномаси, йўл варақаси ва лимит китобчаси тақдим этилган тақдирда амалга оширилади.

32. Ёнилғи қуйиш шохобчасида лимит китобчаси ва йўл варақасининг «берилди» сатрида берилган нефть маҳсулотининг миқдори ва суммаси кўрсатилади, ёнилғи қуйиш шохобчаси муҳри билан тасдиқланиб, оператор имзоси қўйилади, ҳайдовчига эса истеъмолчининг бухгалтериясига ҳисобот бериш учун назорат касса машинасининг чеки берилади. Лимит китобчаси-

нинг қирқиб олинган варағи ёнилғи қуйиш шохобчасининг навбатчилик ҳисоботига илова қилинади.

Газ берилганда йўл варақасида берилган газнинг миқдори ёзилади, ёнилғи қуйиш шохобчасининг муҳри босилади ва назорат касса машинаси чеки берилади.

33. Нефть маҳсулоти ва газни харид қилиш учун банкдан олинган нақд пул маблағларининг мақсадли ишлатилиши бўйича жавобгарлик «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш қоидалари»га (рўйхат рақами 565, 1998 йил, 17 декабрь) мувофиқ истеъмолчининг раҳбари ва бош бухгалтери зиммаларига юклатилади.

34. Шаҳарлараро маршрут автобусларига ёнилғи қуйиш истеъмолчининг ёнилғи қуйиш шохобчасида уларнинг идоравий ташкилотлари ўртасидаги келишувга мувофиқ нақд пулсиз ҳисоб-китоб орқали амалга оширилади.

VIII. Ҳисобот юритиш

35. Ёнилғи қуйиш шохобчаси бошлиғи (катта оператори) томонидан мазкур Қоидаларнинг 11 ва 12-иловаларига мувофиқ шаклдаги нефть маҳсулотлари ва газ истеъмолчиларининг реестрини илова қилган ҳолда икки нусхада навбатчилик ҳисоботи тузилади.

36. Ёнилғи қуйиш шохобчаси бошлиғи (катта оператори) навбатчилик ҳисоботини реестр билан бирга маҳсулот етказиб берувчининг бухгалтериясига топширади. Бухгалтерия томонидан ҳисоботлар текширилганидан кейин ҳисоботнинг реестр билан бир нусхаси ёнилғи қуйиш шохобчасига сақлаш учун қайтарилади.

37. Истеъмолчининг ишлатилган тарқатиш ведомостлари, лимитларни ҳисобга олиш карточкалари ва лимит китобчалари асосида ҳар ой шу турдаги нефть маҳсулотларининг ўтган ойдаги ўртача зичлигидан келиб чиққан ҳолда, тарқатилган нефть маҳсулотларининг миқдори солиштирилади ҳамда ҳар ойда маҳсулот етказиб берувчи ва истеъмолчи ўртасидаги ўзаро якуний ҳисоб-китоб ўтказишга асос бўлиб ҳисобланувчи далолатнома тузилади.

38. Тарқатиш ведомостлари, рухсатномалар, навбатчилик ҳисоботи ва лимит китобчалари сиёҳли ёки шарикли ручкада аниқ ва тушунарли, янглишсиз тўлдирилиши керак. Бўяш, ўчириш ва тузатишга йўл қўйилмайди.

39. Тарқатиш ведомостлари, рухсатномалар, навбатчилик ҳисоботи ва лимит китобчалари, шунингдек, бошқа қатъий ҳисобда турувчи бланкаларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддат давомида сақланиши учун маҳсулот етказиб берувчи раҳбари ёки у томонидан белгиланган тартибда аниқланган шахс жавобгар бўладилар.

IX. Рухсатнома, тарқатиш ведомостлари ва лимит китобчалари бланкалари ҳисобини юритиш

40. Рухсатнома бланкалари, тарқатиш ведомостлари, лимит китобчалари ҳамда бошқа қатъий ҳисобда турувчи бланкаларнинг ҳисоби, уларнинг

инвентаризацияси, шунингдек, йўқолиши ва етишмовчилиги ҳисоби «Бухгалтерлик ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айлануви тўғрисида»ги низомга (рўйхат рақами 1297, 2004 йил 14 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 1-2-сон, 24-модда) мувофиқ амалга оширилади.

41. Маҳсулот етказиб берувчининг омборхоналари ва кассаларида рухсатнома, тарқатиш ведомостлари ва лимит китобчаларининг ҳаракати моддий жавобгар шахслар томонидан Рухсатнома, тарқатиш ведомостлари ва лимит китобчалари ҳаракатини рўйхатга олиш китобларида миқдори кўрсатилган ҳолда мазкур Қоидаларнинг 13, 14 ва 15-иловаларида белгиланган шаклга мувофиқ юритилади.

Китоблар рақамланган, тикилган, маҳсулот етказиб берувчининг раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланиб, муҳрланган бўлиши лозим. Бланкаларни рўйхатга олиш китобидаги уларнинг кирим қилинганлиги ва ҳисобдан чиқарилганлиги бўйича ёзув расмийлаштириш куни амалга оширилади.

Х. Яқуний қоида

42. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишилган.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

2009 йил 18 декабрь

Марказий банки раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

2009 йил 18 декабрь

*«Ўзбекнефтгаз» МХК
Бошқарув раиси*

У. НАЗАРОВ

2009 йил 18 декабрь

*Монополиядан чиқариш,
рақобат ва тадбиркорликни
қўллаб-қувватлаш давлат
қўмитаси раиси в.б.*

Б. УЛАШОВ

2009 йил 18 декабрь

Автотранспорт воситаларига ёнилғи қўйиш
учун нефть маҳсулотлари, суюлтирилган ва
сиқилган табиий газни рухсатномалар тарқа-
тиш ведомостлари ва лимит китобчалари
бўйича бериш қоидаларига
1-ИЛОВА

«Маҳсулот етказиб берувчи» _____

Бириктирилган шохобча № _____

Рухсатнома №
Нефть маҳсулотлари, суюлтирилган ва сиқилган табиий
газни тарқатишга

Сана « ____ » _____ 20__ йил

Истеъмолчи (корхона, ташкилот, муассаса)
_____Ишончнома № _____ « ____ » _____ 20__ йилда _____
(кимни номига берилган)

Маҳсулотининг тури	Лимит бўйича берилади, литр/ кг		Нархи, сўм	
	сон билан	сўз билан	1 кг	жами
Автобензин Аи-80, Аи-91				
Аи-93				
Аи-95				
Дизель ёқилғиси				
М8В ₁ Мойи				
М63/12Г ₁				
Дизель мойи				
Жами:				
суюлтирилган углеводород гази				
сиқилган табиий газ (метр куб)				

Умумий сумма _____
(сўз билан)Маркетинг бўлими _____
(имзо)Ҳисобхона _____
(имзо)Етказиб берувчи корхона ёки
муассаса раҳбари _____
(имзо)

Автотранспорт воситаларига ёнилғи қўйиш учун нефть маҳсулотлари, суюлтирилган ва сиқилган табиий газни рухсатномалар тарқатиш ведомостлари ва лимит китобчалари бўйича бериш қоидаларига
2-ИЛОВА

30-модда

« _____ »
(Таъминотчининг номи)

АЁҚШ № _____

«Истеъмолчи»нинг номи _____

№ _____ ТАРҚАТИШ ВЕДОМОСТИ

20__ йил _____ ойида нефть маҳсулотини бериш ҳисобини юритиш

Нефть маҳсулотининг тури ва русуми _____

ЁММ бериш санаси	Йўл варақаси тартиб рақами ва берилган санаси	Транспорт воситаси русуми	Транспорт воситаси давлат рақами	Ҳайдовчининг фамилияси, исми, шарифи	Ойлик лимит _____ литр берилди литр		Ҳайдовчининг олганлик тўғрисидаги имзоси
					сон билан литр	сўз билан литр	
1	2	3	4	5	6	7	8
Жами берилган:							

— 46 —

3-4 (399-400)-сон

АЁҚШ раҳбари _____
(имзо)

_____ (Ф.И.Ш.)

Автотранспорт воситаларига ёнилғи қўйиш учун нефть маҳсулотлари, суюлтирилган ва сиқилган табиий газни рухсатномалар тарқатиш ведомостлари ва лимит китобчалари бўйича бериш қоидаларига
З-ИЛОВА

«Истеъмолчи»
_____ (ном)
_____ мавжуд пул маблаг

«Маҳсулот етказиб берувчи»
_____ (етказиб берувчи номи)
_____ (Бириктирилган шахобча номи)

№ _____ ТАРҚАТИШ ВЕДОМОСТИ

_____ газ
(суюлтирилган ёки сиқилган)

20__ й. «__» _____ дан 20__ й. «__» _____ гача
«__» _____ 20__ й.даги № _____ ишончномага асосан _____ орқали
(Ф.И.Ш.)

1 куб. м _____ сўм/

1 кг _____ сўм/

Т/р	Ёнилғи бериш санаси	Автотранспорт давлат рақами, русуми, тури	Йўл варақаси тартиб рақами ва берилган санаси	м ³ ёки кг газ берилган	Тўлов суммаси		Ҳайдовчи фамилияси, исми, шарифи	Ҳайдовчи имзоси
					сўм	сўз билан		
1	2	3	4	5	6	7	8	9
жами ведомост бўйича								

АГНКС (АГҚШ) раҳбари _____ (Ф.И.Ш.) (имзо)

АГНКС (АГҚШ) бухгалтерия _____ (Ф.И.Ш.) (имзо)

бухгалтер _____ (Ф.И.Ш.) (имзо)

Автотранспорт воситаларига ёнилғи қўйиш учун нефть маҳсулотлари, суюлтирилган ва сиқилган табиий газни рухсатномалар тарқатиш ведомостлари ва лимит китобчалари бўйича бериш қоидаларига
4-ИЛОВА

№ Нефть маҳсулотини суюлтирилган ва сиқилган табиий газни тарқатиш лимит КИТОБЧАСИ

«Маҳсулот етказиб берувчи» _____
«Истеъмолчи» _____

«Маҳсулот етказиб берувчи»

(номи)

«Истеъмолчининг» нефть маҳсулотларига йиллик лимити
хизмат сафаридаги автомобиллар, шу жумладан чоракликлар бўйича

автобензин бўйича (сўз билан)

I-қв	II-қв	III-қв	IV-қв

дизел ёқилғиси бўйича (сўз билан)

Маркетинг бўлими

Сана « ____ » _____

М.Ў.

Китобчанинг орқа томони

_____ корхона
№ _____ АЁҚШ томонидан
« _____ нефть маҳсулоти » тарқатилди

_____ нефтебазаси
№ _____ АЁҚШ томонидан
« _____ нефть маҳсулоти » тарқатилди

1. Автотранспорт воситаларига ёқилғи қуйгунгача нефть маҳсулотлари қолдиқ лимити _____ кунига (сана)

1. Автотранспорт воситаларига ёқилғи қуйгунгача нефть маҳсулотлари қолдиқ лимити _____ кунига (сана)

Мухр ўрни

«етказиб берувчининг»

автобензин бўйича _____ л
(сўз билан)

автобензин бўйича _____ л
(сўз билан)

дизел ёқилғиси бўйича _____ л
(сўз билан)

дизел ёқилғиси бўйича _____ л
(сўз билан)

автобензин бўйича _____ л
(сўз билан)

автобензин бўйича _____ л
(сўз билан)

дизел ёқилғиси бўйича _____ л
(сўз билан)

дизел ёқилғиси бўйича _____ л
(сўз билан)

Автотранспорт воситаларига ёнилғи қўйиш учун нефть
маҳсулотлари, суюлтирилган ва сиқилган табиий газни
рухсатномалар тарқатиш ведомостлари ва лимит китобча-
лари бўйича бериш қоидаларига
6-ИЛОВА

«Истеъмолчи»нинг лимит КАРТОЧКАСИ

«Маҳсулот етказиб берувчи»

«Истеъмолчи» _____

« _____ корхона ёки муассаса

Корхона ва муассаса

№ _____ АЁҚШ

Манзил: _____

Тел: _____

Жамғарма хабарномаси рақами, нефть маҳсулотини тарқатиш рухсатномаси рақами ва унинг санаси	Нефть маҳсулотларига бўлган лимит						Рухсат- нома берил- ган сана	Ишончнома № _____ ва берилган санаси	Рухсатнома бўйича бериладиган нефть маҳсулотлари миқдори						Олувчи- нинг имзоси	
	Аи-80 литр/ кг	Аи-91 литр/ кг	Аи-93 литр/ кг	д/ё литр/ кг	автол литр/кг	Д/м литр/ кг			Аи-80 литр/ кг	Аи-91 литр/ кг	Аи-93 литр/ кг	д/ё литр/ кг	автол литр/кг	Д/м литр/ кг		

Автотранспорт воситаларига ёнилғи қўйиш учун нефть маҳсулотлари, суюлтирилган ва сиқилган табиий газни рухсатномалар тарқатиш ведомостлари ва лимит китобчалари бўйича бериш қоидаларига
8-ИЛОВА

**Тарқатиш ведомостларини берилишини рўйхатга олиш
КИТОБИ**

«Маҳсулот етказиб берувчи»нинг номи

Т/р	Тарқатиш ведомости берилган сана	«Истеъмолчи»нинг номи	Тўлов топшириқномаси		Ишончнома № _____ ва берилган санаси	Ишончнома берилган ходимнинг Ф.И.Ш.	Тарқатиш ведомости рақами	Ведомост олинганлиги тўғрисида имзо
			№ _____ ва сана	суммаси				
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Автотранспорт воситаларига ёнилғи қўйиш учун нефть маҳсулотлари, суюлтирилган ва сиқилган табиий газни рухсатномалар тарқатиш ведомостлари ва лимит китобчалари бўйича бериш қоидаларига
9-ИЛОВА

АГ ҚШ (АЕҚШ) номи

**Навбатчилик давомида берилган газ ҳисобини юритиш
КИТОБИ**

Бериш санаси	Навбатчилик №	Ф.И.Ш.	Берилган газ миқдори м ³ ёки кг	суммага (сўм)	Шундан		Навбатчилик ҳисоботи	
					тарқатиш ведомостлари асосида	нақд пулда ҳисоб-китоб орқали	топширди	қабул қилди

Автотранспорт воситаларига ёнилғи қўйиш учун нефть маҳсулотлари, суюлтирилган ва сиқилган табиий газни рухсатномалар тарқатиш ведомостлари ва лимит китобчалари бўйича бериш қоидаларига
10-ИЛОВА

Хизмат сафаридаги автотранспорт воситаси учун ажратиладиган пул маблағлари ҳисоб-китоби ТАРТИБИ

1. Хизмат сафаридаги автотранспорт воситалари учун ёнилғи-мойлаш материаллари олишга керакли пул-маблағлар миқдори қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$П = Н * З, \text{ бунда:}$$

П — пул маблағлари;
Н — нефть ёки газнинг нархи (1 литр ёки м.куб. учун сўмда);
З — автотранспорт воситаси (механизм) нинг ишлаши учун керакли ёнилғига бўлган эҳтиёж (литр ёки м. куб.да).

2. Автобензин, дизель ёнилғиси ва суюлтирилган газда ҳаракатланадиган автотранспорт воситалари учун ёнилғига бўлган эҳтиёж қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$Э = (М \times N) / 100 \text{ (литр)}, \text{ бунда:}$$

Э — ёнилғига бўлган эҳтиёж;
М — автомобиль ўтган масофа, км (топшириққа асосан);
N — ёнилғи сарфланишининг белгиланган меъёри.* (литр 100 км ёки м³).
3. Сиқилган табиий газда ҳаракатланадиган автомобиллар учун ёнилғига бўлган эҳтиёж қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$Э = (М \times N) / 100 \text{ (куб. м)}, \text{ бунда:}$$

Э — ёнилғига бўлган эҳтиёж;
М — автомобиль ўтган масофа, км (топшириққа асосан);
N — ёнилғи сарфланишининг белгиланган меъёри.* (куб. м/ 100 км.).
4. Механизмлар ишлаши учун сарфланадиган ёнилғига бўлган эҳтиёж қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$Э = (В \times N) \text{ (литр)}, \text{ бунда:}$$

Э — ёқилғига бўлган эҳтиёж;
В — механизмнинг ишлаш вақти, маш. соат. (топшириқ асосида);

N — ёнилғи сарфланишининг белгиланган меъёри* (л/маш. соат).

* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш Комиссияси томонидан 2001 йил 28 июнда маъқулланган ва «Ўзстандарт» агентлиги томонидан 2003 йил 28 июлда 05-20-сон билан рўйхатга олинган O'zRH 88.20.01:2003 «Маълумот-меъерий ҳужжат. Ҳаракатланувчи автомобиль воситалари ва йўл-қурилиши машиналари томонидан ёқилғи ва мойлаш маҳсулотларини сарфлаш меъёри»га асосан ёқилғи сарфланишининг меъёрлари қўлланилади.

Автотранспорт воситаларига ёнилғи қўйиш учун нефть
маҳсулотлари, суюлтирилган ва сиқилган табиий газни
рухсатномалар тарқатиш ведомостлари ва лимит китобча-
лари бўйича бериш қоидаларига
11-ИЛОВА

30-модда

Нефть маҳсулотлари «Истеъмолчи»лари реестри (навбатчилик ҳисоботиغا илова қилинади)

_____ (Корхона ёки ташкилотнинг номи)

« ____ » _____ 20__ й.га

Навбатчилик _____ дан _____ гача

Т/р	Корхона ва ташкилот номи («Истеъмолчи»)	Навбатчилик бошида нефть маҳсулотларига бўлган қолдиқ лимит, литр			Навбатчилик давомида нефть маҳсулотларига қўшимча лимитлар келиши, литр			Ведомость бўйича берилган нефть маҳсулотлари, литр			Навбатчилик охирига лимит бўйича ажратилган нефть маҳсулотларнинг қолдиғи		
		авто-бензин	дизель ёқилғиси	мой	авто-бензин	диз. ёқилғи	мой	авто-бензин	диз. ёқилғиси	мой	авто-бензин	диз. ёқилғиси литр	мой
Жами:													

АЁҚШ раҳбари _____ (имзо, Ф.И.Ш.)

Навбатчи операторлар _____ (имзо, Ф.И.Ш.)

Ҳисоботни текширган ва қабул қилган ҳисобчи _____ (имзо, Ф.И.Ш.)

— 56 —

3-4 (399-400)-сон

Автотранспорт воситаларига ёнилғи қўйиш учун нефть
маҳсулотлари, суюлтирилган ва сиқилган табиий газни
рухсатномалар тарқатиш ведомостлари ва лимит китобча-
лари бўйича бериш қоидаларига
12-ИЛОВА

_____ -сонли АГҚШнинг газ «Истеъмолчи»лари реестри

(навбатчилик ҳисоботига илова қилинади)

навбатчилик вақти _____ дан _____ гача

_____ 20__ й.га

Т/р	«Истеъмолчи»нинг номи	Тарқатиш ведомости рақами	Тўлов топшириқ- номаси ёки бошқа хужжатлар № _____ ва _____ ва санаси	Ишончнома № _____ ва берилган санаси	Тарқатиш варақа берилган сана	Тарқатиш ведомостни ёпилган санаси	Берилган газ миқдори м ³ ёки кг	Пул ҳисобида		Изоҳ
								сўм	сўз билан	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

АГҚШ раҳбари _____
(имзо, Ф.И.Ш.)

Навбатчи операторлар _____
(имзо Ф.И.Ш.)

Ҳисоботни текширган ва қабул
қилган бухгалтер _____

(имзо, Ф.И.Ш.)

Автотранспорт воситаларига ёнилғи қўйиш учун нефть
маҳсулотлари, суюлтирилган ва сиқилган табиий газни
рухсатномалар тарқатиш ведомостлари ва лимит китобча-
лари бўйича бериш қоидаларига
13-ИЛОВА

30-модда

Рухсатномалар юритилишини қайд этиш КИТОБИ

«Маҳсулот етказиб берувчи»нинг номи

Т/р	Хужжат № _____ ва санаси	Кимдан қабул қилинган ва кимга берилган	Кирим		Чиқим		Қолдиқ		Моддий жавобгар шахснинг имзоси	Бухгалтерия томонидан текшириб чиқилганлиги тўғрисида белги, имзо ва сана
			миқдори (дона)	№ _____ дан № _____ гача	миқдори (дона)	№ _____ дан № _____ гача	миқдори (дона)	№ _____ дан № _____ гача		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

— 58 —

3-4 (399-400)-сон

Автотранспорт воситаларига ёнилғи қўйиш учун нефть маҳсулотлари, суюлтирилган ва сиқилган табиий газни рухсатномалар тарқатиш ведомостлари ва лимит китобчалари бўйича бериш қоидаларига
14-ИЛОВА

Тарқатиш ведомостлари юритилишини қайд этиш КИТОБИ

«Маҳсулот етказиб берувчи»нинг номи

Т/р	Хужжат № _____ ва санаси	Кимдан қабул қилинган ва кимга берилган	Қирим		Чқим		Қолдиқ		Моддий жавобгар шахснинг имзоси	Бухгалтерия томонидан текширилганлиги тўғрисида белги, сана, имзо
			миқдори (дона)	№ _____ дан № _____ гача	миқдори (дона)	№ _____ дан № _____ гача	миқдори (дона)	№ _____ дан № _____ гача		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

Автотранспорт воситаларига ёнилғи қўйиш учун нефть маҳсулотлари, суюлтирилган ва сиқилган табиий газни рухсатномалар тарқатиш ведомостлари ва лимит китобчалари бўйича бериш қоидаларига
15-ИЛОВА

30-модда

Лимит китобчалари юритилишини қайд этиш КИТОБИ

«Маҳсулот етказиб берувчи»нинг номи

Т/р	Хужжат № _____ ва санаси	Кимдан қабул қилинган ва кимга берилган	Кирим		Чиқим		Қолдиқ		Моддий жавобгар шахснинг имзоси	Бухгалтерия томонидан текширилганлиги тўғрисида белги, сана, имзо
			миқдори (дона)	№ _____ дан № _____ гача	миқдори (дона)	№ _____ дан № _____ гача	миқдори (дона)	№ _____ дан № _____ гача		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

— 60 —

3-4 (399-400)-сон